

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**Чортоқ туман ободонлаштириш**  
**бошқармаси бошлиғи**



**А.Дехқанов**

«31» октябр 2022 й

## **БУЮРТМАЧИ:**

**Чортоқ туман ободонлаштириш бошқармаси**

Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг 27 октябрдаги қарорига асосан Чортоқ туманидаги ёритиш тизимларини таъмирлаш учун электр жиҳозлари сотиб олиш учун

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Чортоқ шаҳри -2022**

## Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

### Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг 27 октябрдаги қарорига асосан Чортоқ туманидаги ёритиш тизимларини таъмирлаш учун электр жихозлари сотиб олиш учун шу соҳада фаолият курсатаётган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг қиймати – **113506000** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Чортоқ туман ободонлаштириш бошқармаси** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 161000, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Чортоқ шаҳри, Суғдиёна кўчаси, 41 уй

Эл.адрес: **Chortoq\_obodon@mail.ru**

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Чортоқ туман Ободонлаштириш бошқармаси биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Чортоқ туман Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи

А.Дехқанов

«31» октябрь 2022 й

Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг 27 октябрдаги қарорига асосан Чортоқ туманидаги ёритиш тизимларини таъмирлаш учун электр жихозлари сотиб олиш учун

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| №  | Асосий маълумотлар                  | Етказиб берувчи   |
|----|-------------------------------------|---|
| 1  | Объект номи                         | Чортоқ туманидаги ёритиш тизимларини таъмирлаш учун электр жихозлари сотиб олиш учун  |
| 2  | Буюртмачи                           | Чортоқ туман Ободонлаштириш бошқармаси  |
| 3  | Буюртма учун асос                   | Бюджет маблағлари ҳисобидан   |
| 4  | Объектнинг жойлашган манзили        | Чортоқ шаҳри Суғдиёна кўчаси 41 уй  |
| 5  | Қатнашувчи учун талаблар            | Чортоқ туманидаги ёритиш тизимларини таъмирлаш учун электр жихозлари етказиб бериш учун Буюртма берилганда тез муддатда таъмирлаш ишларини бажариш.   |
| 6  | Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби       | Етказиб берувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар. Шартномага асосан 1 ой учун тахминан 113506000 сўмлик электр жихозлари етказиб берилишини режалаштирилган. |
| 7  | Иш тури                             | Буюртма асосида етказиб берувчи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш.  |
| 8  | Махсулотни етказиб бериш муддати    | Шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун муддата.   |
| 9  | Техника хавфсизлиги бўйича талаблар | Хизматларни бажариш жараёнида ёнғин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт.   |
| 10 | Молияташтириш манбаи                | Маҳаллий бюджет   |

Инфратузилма объектларини фойдаланиш

бўлими бошлиғи

Б.Хамрабоев

Техник назоратчи:

Х.Болтабоев

Омбор мудир:

Ш.Қодиров

Мухандис:

Ф.Ботиров

Ҳисобчи:

И.Абдуллаев